

«Halal In Travel - Global Summit 2022» халқаро саммитида Ўзбекистон икки номинация бўйича ғолиб бўлди



19:30 / 08.06.2022 1975

Сингапурда мусулмон дунёси туризм бозорини тиклаш ва ривожлантиришга бағишланган «Halal in Travel - Global Summit 2022» халқаро саммити бўлиб ўтди. Бу ҳақда uzbektourism.uz манбасига таяниб, [xushnudbek.uz](https://t.me/xushnudbek) телеграм канали хабар берди.

Саммит доирасида Самарқанд шаҳри «Йилнинг ислом мероси манзили» ва «Йилнинг энг яхши ривожланаётган мусулмон шаҳри» мукофоти ғолиби бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳар йили CrescentRating томонидан эълон қилинадиган «World Muslim Travel Index» рейтингида кучли ўнталикка

кирди.

Саммитда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари, Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов онлайн форматда иштирок этиб, сўзга чиқди.

Маълумот учун, Ўзбекистонда 2022 йил 1 январдан бошлаб 35 та ресторан (тезкор овқатланиш тармоқлари) ва 4 та меҳмонхона «Ҳалол» рейтинги ва сертификатига эга бўлди.